



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

2010 йил

6 март

ШАНБА

№ 18

(12.238)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мунис ва мухтарама онахонлар!
Қадри опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Барчамиз ҳамиша соғиниб, орзиқиб кутадиган мана шу илк баҳор кунларида, табиат очилиб, кўнгиллар шодлик ва қувончга тўлиб бораётган шу фусункор айёмда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини қутлуғ сана – 8 март байрами билан самимий муборакбод этишдан бахтиёрман.

Сизларга қалбимиз тўрида бўлган энг эзгу тилакларимиз, чуқур ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этиш учун барчамизга, аввало, эркак зотига яна бир имкон берадиган, бамисоли кўклар элчиси ангилги кириб келадиган бу байрам баҳорнинг ўзи каби қадри ва севимлидир.

Баҳор тимсолида табиат гўзаллиги, унинг бор сеҳри ва жозибаси қанчалик яққол намён бўлса, аёл тимсолида энг юксак инсоний фазилатлар шу қадар ёрқин намён бўлади.

Биз одатда табиат, ер, тил ва ватан каби мўътабар тушунчаларни "она табиат", "она ер", "она тили" ва "она Ватан" деб улуғлаймиз, уларни азиз ва меҳрибон оналаримизга қиёс этамиз. Ва бу қиёсланишнинг жуда чуқур ички-маъно-маъмуний борлигини англаш, тушуниш қийин эмас, деб ўйлайман.

Аёл зоти ўзининг нафосати ва ла-тофати, муҳаббати ва садоқати, оналик меҳри билан том маънода Ярат-ганнинг тенгсиз мўъжизасидир.

Кўнглимиз фаршитаси, хонадонимиз чироғи, оила таянчи бўлмиш аёл сиймоси халқимиз тасавурида азал-азалдан эзгулик ва фидойилик тимсоли бўлиб келади. Бунинг тасдиғини эл-юртимизнинг миллий та-риҳи, ҳаёт ва тафаккур тарзида, аёл шайини улуғлаб, гўзал қасидалар яратган мумтоз адабиётимиз саҳи-фаларида яққол кўриш мумкин.

Бизнинг аёлларга муносабатимиз, ҳеч шубҳасиз, ана шундай юксак ме-зонлар негизига камол топган бўлиб, аёл зотиға беқийс ҳурмат ва эҳтиром намунасини бошқалар ба-лки биздан ўрганиши керакдир.

Орадан йиллар, асрлар ўтади, ле-кин онани, аёлни доимо эъозлаб, ардоқлаб яшашга интилиш туйғуси-ни болаларимиз ва набираларимиз-га, келгуси авлодимизга безавол ет-казиш биз учун энг олижаноб, энг буюк вазифа бўлиб қолиши зарур, десам, айна ҳақиқатни айтган бўла-ман.

Азиз опа-сингиллар!
Биз ўз мустаккилликимизнинг би-ринчи кунларидан бошлаб юртимиз-да демократик давлат, ҳеч қандам кам бўлмайдиган эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юк-салтириш, уларнинг ҳақ-хуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини рўй-б-га чиқариш, бир сўз билан айтган-да, аёлларимизни жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида қан-дай улкан ишларни амалга ошириб келаётганимиз ҳақида, ўйлайманки, ортқча гапиришнинг ҳожаги йўқ.

Бундай сиёсатнинг амалий сама-расини бугунги кунда олий қонунчи-лик идоралари, жойлардаги вакил-лик органлари ва ижро ҳокимияти-дан тортиб суд-ҳуқуқ соҳасида, ма-

ҳаллий ва ўзини ўзи бошқариш ти-зимлари, нодавлат ташкилотлар, иж-тимоий тузилмалар фаолиятида, мухтасар айтганда, ҳаётимизнинг барча босқичларида кўриш, кузатиш мумкин.

Шуниси эътиборга сазоворки, хо-тин-қизлар юртимиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиш би-лан бирга, ўзининг билими, профес-сионал малакаси ва маҳорати ҳисо-бидан кўпгина жабҳаларда етакчи мавқеларни эгаллаб келмоқда. Бу-гунги кунда ҳаётимизда тобора кат-та ўрин олаётган фермерлик ҳара-кати, кичик бизнес ва хусусий тад-биркорликни, илму фан, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат каби ўнлаб муҳим соҳа ва тармоқ-лар ривожини аёлларнинг иштиро-кисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Биз мамлакатимизнинг ёруғ кела-жагини кўзда тутган ҳолда 2010 йил-ни юртимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилдик. Бу қаро-римизнинг маъно-моҳиятини лўнда қилиб ифода этадиган бўлсак, кўп марта такрорланган бир ҳақиқатни яна бир бор таъкидлашга тўғри ке-лади.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки, қайси жамият бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интелек-туал билим, интеллектуал бойликка интилиш унинг кундалик ҳаёт ма-мунига айланмаса, бундай жамият жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши мукаррар.

Биз ўз олдимизга ана шундай ўта мураккаб мақсадни қўяр эканмиз, бундай улғу вазифани адо этиш, ҳар томонлама баркамол авлодни тар-биялашда аёлларимизнинг ўрни ва таъсири, буюк ҳиссасини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди. Яъни, эртанги кунимизнинг мушта-кам ва ишончли пойдеворини бунёд этишда айна аёл зоти ҳал қилувчи куч, чинакам таянчимиз ва суянчи-миз бўлиб майдонга чиқишини бар-чамиз ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Фақат соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Фақат ақл-за-коватли, маърифатли оналарги-на қилган инсонларни тарбиялаш-га қодир бўлади.

Ана шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, мамлакатимизда аёлларнинг саломатлигини муштақамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни вояга етказишга қаратилган, узокни ўйлаб, пухта ишлаб чиқилган ва ҳаёт-га изчил жорий этилаётган дастур ва тадбирларимиз бугунги кунда ўзи-нинг дастлабки самарасини бераёт-гани барчамизни қувонтиради.

Бу ҳақда узок гапириш, кўп ми-солларни олиб келиш мумкин, ле-кин мен фақат учта муҳим йўналиш бўйича баъзи рақамларга эътибо-рингизни қаратмоқчиман.

Кейинги уч йил мобайнида мам-лакатимиздаги умумтаълим мактаб-лари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари жаҳон миқёси-да ўтказилган нуфузли фан олимпиа-даларида голиб бўлиб, жами 41 та медални қўлга киритган бўлса, улар-нинг 8 таси қизларимиз ҳиссасига тўғри келади.

Ёки санъат ва мусиқа соҳасида

дунёнинг Париж, Рим, Берлин, То-кио, Москва, Прага, Қоҳира, Сеул, Дехли каби йirik маданият марказ-ларида бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловларда 273 нафар ўқувчи ва талабамиз голибликка эришгани ва уларнинг 153 нафари қиз болалар эканини катта мамнуният билан таъ-кидлаш ўринлидир.

Ана шу охириги уч йил мобайнида 1 минг 464 нафар истеъдодли спорт-чи ёшларимиз халқаро мусобақалар-да зафар қозонган бўлса, уларнинг 448 нафари айнан қизларимиз экан-ни албатта барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Айтинглар, азизлар, бундан ўн беш-ийгирма йил олдин ўзгалар ҳавас қиладиган бундай улкан уфқ ва марраларга етишни тасаввур қилиш мумкинми? Очқ айтиш ке-ракки, буларни фақат ширин тушлар-имизда кўришимиз мумкин эди, хо-лос.

Шу борада бугун яна бир ҳақиқат-ни чуқур англаб олишимиз керак. Биз болаларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсишига қанча эъти-бор, куч ва маблағ сафарбар этсак, юртимиздаги ёш талантларнинг ноёб истеъдоди очилишига қанча кўп им-коният туғдириб берсак, ҳеч шубҳа-сиз, фарзандларимизнинг илму фан, санъат, спорт ва бошқа соҳалар бўйича жаҳон шоҳсупаларига кўта-рилиши учун шунчалик муштақам за-мин яратилади, иншоолло. Мен бун-га қатъий ишонаман.

Бундай юксак ва эзгу марраларга эришишда аввало барчамизнинг ма-даний ҳаётимизнинг муштақамла-ш, иқтисодий ҳаётимизнинг жадал суръ-атлар билан ривожланиши, юртим-изни янада обод ва фаровон этиш масаласи биз учун доимий устувор вазифа бўлиб келган ва бундан ке-йин ҳам шундай бўлиб қолади.

Албатта, бундай сиёсатни янада кучайтириш, унинг самарасини оши-ришда хотин-қизларнинг мавқеини, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фа-олигини ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий нуктаи назардан юксалтириш ана шундай муҳим вазифаларимиз қато-рига кириди.

Фурсатдан фойдаланиб, мен юр-тимизнинг барча мард ўғлонларини аёлларга фақат байрам кунларида эмас, балки ҳамиша ҳурмат ва эъти-бор кўрсатиб яшашга, айна шун-дай ёндашувни ўз бурчимиз деб би-лишга ва уни ҳаётимиз мезонига ай-лантиришга даъват этмоқчиман.

Токи аёлларимиз биздан рози ва мамнун бўлиб, бахтли ҳаёт кечир-син. **Зеро, оналарнинг, аёллар-нинг бахти – оиланинг, халқимиз-нинг, бутун Ўзбекистонимизнинг бахтидир.**

Қадри опа-сингиллар!
Бугунги байрам шодиёнасида сиз, мухтарама аёлларимизнинг фидойи қалбингиз, беёминат меҳру муҳаб-батингиз учун сизларга ҳар қанча та-шаккур айтсак, таъзим қилсак ар-зийди.

Яна бир қарра самимий табригим-ни қабул этгайсиз.

Иқболнинг баланд, умрингиз узок, ризку насибангиз зиёда бўлсин!

Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни



Ўртачирчилик Башорат Нуруллаева туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизларни иш билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган фаол тадбиркор аёллардан. У ташкил этган "Сухроб" хусусий корхонасига қарашли тикувчилик, пазандачилик цехлари, гўзаллик салоҳи хизматидан аҳоли мамнун бўлмоқда.

– Аёлнинг жамиятда ўз ўрнига эгалиги оилада оқила ва меҳрибон она бўлиб, баркамол авлод тарбияси билан шуғулланишида муҳим аҳамият касб этади, – дейди у. – Ўзига ишонган, ҳар томонлама саводхон онанинг фарзандлари ҳам эл-юрт хизматидан асло чарчамайди.

СУРАТДА: – Фарзандларим умрим мазмуни, – дейди ўртачирчилик тадбиркор аёл Башорат Нуруллаева.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

СИЗГА АТАЛГАН ЭЪЗОЗ

Инсон барча байрамларни алоҳида бир интиқик билан, орзиқиб кутади. Аммо йилнинг шундай бир куни борки, жамиятнинг барча аъзолари, каттаю кичикка алоҳида хурсанчилик, ўзгача бир шуқуқ бағишлайди. Бу – баҳор ва гўзаллик байрами – Халқаро хотин-қизлар куни – 8 март.

Мустикал Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамоат ва давлат бошқарувидаги ролини ошириш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш борасида жуда катта ва кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Мустикаллик йилларида бевосита хотин-қизлар фаолиятини кучайтиришга хизмат қилувчи алоҳида қонун, бир қатор қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республи-

каси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони жамиятимизда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, мавқеини янги сифат босқичига кўтаришда ва уларнинг давлат ва жамиятнинг бошқаришдаги иштирокчини кучайтиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

(Давоми 2-бетда).

МАҚСАД ЯГОНА

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва унинг қошидаги "Раҳбар аёл" клуби ҳамкорлигида давра суҳбати ўтказилди. Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева бошқарди.

Тадбирда таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда хизмат қи-лаётган етакчи аёллар иштирок этишди.

Сўз олганлар оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оила барқарор-лигини сақлаш, хотин-қизларнинг иқтисодий-сиёсий, маданий-маъ-навий ҳаётдаги ўрнини

оширишга давлат дара-жасида эътибор бери-лаётганлигини таъкид-лашди.

Давра суҳбати қизгин баҳс-мунозара руҳида ўтди. Қатнашчилар ягона мақсад йўлида олиб борилаётган ишлар ху-сусида фикр алмаш-дилар.

Ўз мухбиримиз.

ТААССУРОТГА ТЎЛА УЧРАШУВ

Янгийўл туманидаги Гулбаҳор саноат касб-хунар коллежида "Баркамол авлод – келажакимиз пойдевори" мав-зусида учрашув ўтказилди.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари йиғилганлар эътиборини ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, гиёҳвандликнинг олдини олиш, ўсмир-лар ўртасида ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш маса-лаларига қаратишди. Таъсирли мисоллар, ибратли му-лоҳазаларга бой бу учрашув иштирокчиларда катта та-ассурот қолдирди.

Санжар ҚЎЧҚОРОВ.



ОХАНГАРОН ТУМАНИ

ФОЛИБЛАР ВИЛОЯТ БОСҚИЧИДА

Транспорт ва сервис касб-хунар коллежида "Ташаб-бус – 2010" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда туманда фаолият кўрсатаётган фермер, тадбиркор ва халқ ҳунармандчилиги усталари ўз маҳсулотлари билан фаол иштирок этишди.

Якуний натижаларга кўра "Лаззат латофати" фермер хўжалиги раҳба-ри Мухтарама Сайфудди-нова "Энг яхши фермер", Зулфия Ҳақназарова "Энг яхши хунарманд", деб то-пилди. "Энг яхши тадбир-

кор" номига эса Зарни-гор Уролова муассар бўлди.

Совриндорларга туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи ҳамда хомийлар-нинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

ТОШКЕНТ ТУМАНИ

САМАРА ФАОЛЛИКДА

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг "Фаол аёллар" ва "Ёшлар қаноти" туман бошқарувининг қўшма кенгаши бўлиб ўтди.

Унда бу йилги режалар ижроси ва партия аъзола-ри фаоллигини янада ошириш, бошланғич пар-тия ташкилотларининг ишини жонлантириш, ёшларнинг касб-хунар

эгаллашларига доир маса-лалар кўриб чиқилди. Кен-гашда партия бўлимлири-нинг янги таркиби ҳамда вилоят конференциялари-га вакиллар сайланди. **Ирода МАКСУД қизи.**

БУ САФАР ОТАЛАР ЙИГИЛИШДИ

Бўқа туманидаги Агроиқтисодиёт касб-хунар колле-жида ноанъанавий оталар йиғилиши уюштирилди. Унда Қорақўйли қишлоғидаги мактаблар битирувчиларининг оталари қатнашди.

Йиғилиш қатнашчилари битирувчиларнинг одоб-ахлоқи, давомати ҳамда келажакдаги режалари, уларни касбга йўналтириш масалаларига алоҳида тўхталдилар. Сўзга чиққан оталар тизимда яратилган имкониятлардан мам-нун бўлиб, устоз мураббийларга миннатдорчилик билди-ришди.

Йиғилиш сўнггида коллеж атрофида арча ва турли манзарали дарахтлари экилди.

ҲУНАРНИНГ БОРИ ЯХШИ

Юқоричирчиқ туман халқ таълими ва ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида "Ёш хунармандлар" кўрик-танловининг ҳушудий босқичи ўтказилди.

Танловда иштирокчи ўқувчилар ва ўқувчилар ама-лий санъат йўналиши бўйича билим ва маҳоратлари-ни намойиш этдилар. Кўрик-танлов натижаларига кўра марказнинг бичиш-тиқиш тўғраги аъзоси Дилафрўз Мажидовага фахрли 1-ўрин насиб этди.

Ҳалиблар туман халқ таълими бўлими, ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамда таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси бирлашган қўмитасининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди-лар.

ОНАЛАРИНИНГ, АЁЛАРИНИНГ БАХТИ - ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ БАХТИДИР

СИЗГА АТАЛГАН ЭЪЗОЗ

Шу асосда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофазалаш, соғлом оилани шакллантириш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, тиббий маданиятни ошириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Вилоят, шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталари томонидан хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилди ва илчил амалга оширилди. Энг кечка қишлоқларда ҳам аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аёллар раҳбарлик қилаётган хусусий корхоналар, микрофирмаларга сармоя олиб кириш орқали уларни модернизациялаш, кенгайтириш ва иш ўринларини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

Сўнгги бир йил давомида вилоят банкларининг тижорат бўлимлари томонидан ажратилган кредитларнинг 10 миллиард 94 миллион сўми ишловчиларнинг 50 фоиздан кўпрогини аёллар ташкил этган корхоналарга берилди. Умумий кредит қўйилмаларида бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 3 та тадбиркор аёлга 44 милли-

он сўм ҳамда хорижий кредит линиялари ҳисобидан 991 та тадбиркор аёлга 1 миллиард 188 миллион сўмлик эквивалент ҳисобда микрокредитлар ажратилди.

Вилоятимизда истискомат қилаётган аҳолининг 50,3 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Улар вилоят ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қўшаётган ҳисса йил сайин ортиб борапти. Ҳозирги пайтда аёлларимизнинг қарийб 1,5 минг нафари раҳбарлик лавозимларида, 28 мингдан зиёди саноат, 30 мингдан кўп аёл қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, 3 минг нафарга яқини маданият, 37 мингга яқини соғлиқни сақлаш ва спорт, 60 мингдан ортиғи эса халқ таълими соҳаларида хизмат қилишмоқда.

Аёлларимизнинг юқори вакиллик органларидаги салмоғи ҳам кишини кувонтиради. Хусусан, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида вилоятимиздан сайланган 3 нафар депутат ва Сенатда 1 нафар аёл, халқ депутатлари вилоят кенгашида 11 нафар, шаҳар ва туман кенгашларида эса 134 нафар хотин-қизлар ишловчиларни чуқурлаштириш, тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш вазифаларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган. Бугун биз донгдор

тадбиркор ва фермерларимиз, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ходимларимиз, минг-минглаб бошқа ишчи-хизматчи хотин-қизларимиз билан фахрланамиз.

Барча соҳаларда бўлгани каби, бугунги кунда хотин-қизлар учун қўшимча иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик истагидаги аёлларимизни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам анчагина ютуқларга эгамиз. Бу эса оилалар даромадини кўпайтириш, турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаяпти. Жумладан, ўтган йили вилоятимизда хотин-қизлар учун 15 мингдан зиёд янги иш ўринлари барпо этилди, 7 мингга яқин тадбиркор аёл ўз хусусий ишини бошлади.

Аёлларга кўрсатилаётган эътибор, улар учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар туфайли вилоятимиз хотин-қизлари барча соҳаларда ўзларининг юқори интеллектуал салоҳият ва ташаббускорликларини намоён этишмоқда. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданият ва спорт соҳаларида улар эришяётган ютуқлар барчамизни кувонтирмоқда. Ишонч билан айтиш мумкин, бугунги аёлларимиз ҳар жиҳатдан янги замон аёли деган номга муносибдир.

Сайёра ФАЙЗИЕВА,
вилоят ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси.



Ҳар соҳада фаол ўзбек аёлларининг ёш авлод тарбиясидаги ўрни алоҳида эътиборга молик. Уларнинг пухта билими, ғунаҳсиз меҳри, қатъий ирода ва меҳнатсеварлиги туфайли ўсиб келаётган ёш авлод баркамоллик сари одимламоқда.

Тошкент туманидаги 9-умумтаълим мактабининг фидойи ўқитувчиларидан бири Гулбаҳром Гасилова меҳрибон, бағрикенг устоз сифатида ўқувчилари қалбидан чуқур жой олган.

СУРАТДА: меҳрибон мураббий ўқувчилари даврасида.

«АТИРГУЛ» ҒОЛИБЛАРИ

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси томонидан оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Атиргул» танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Бу йилги танловда телерадиоканаллар, газета ва журналлар, интернет нашрларда меҳнат қилаётган эллик нафардан ортиқ журналист хотин-қиз мамлакатимизда аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, оналик ва болалик муҳофазаси, ёшлар маънавиятини юксалтириш, баркамол авлоднинг вояга етказиш мавзуларидаги етти юздан ортиқ ижодий иши билан иштирок этди. Уларнинг ўн икки нафари танловда ғолиб деб топилди.

Ғолибалар орасидан вилоятимиз вакиласи «Паркент тонги» газетаси муҳбири Дилфуза Миробидова ҳам жой олганлиги қувонарлидир.

ЭЗГУ ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёлларимизнинг салоқати оила бекаси, фарзандлар тарбиясида жонқуяр бўлиш билан бирга жамиятимиздаги янгиланиш жараёналаридаги иштирокини янада фаоллаштиришда муҳим омил бўлаётган.

Аёлларимиз барча соҳаларда, хусусан, аграр тармоқда ҳам улкан ютуқларга эришмоқда. Ерга меҳр қўйиб, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, хўжаликни бошқараётган фермерлар мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчига айланмоқда. Бука туманида яшовчи фермер Шохидан Азизова ана шундай юртдошларимиздан.

Тўрт йил илгари у «Азизова Шохидан» фермер хўжалигини ташкил этганида, аёл бошини ғалвага қўйиб нима қилади, уйда тинчгина ўтирмайдими, деганлар ҳам бўлди. Ўтган йиллар давомида у эришган ютуқлар бундай фикрларнинг асосизлигини кўрсатди.

Мақтабни тугатиб, Тошкент давлат аграр университетидан тахсил олдим, — дейди фермер Шохидан Азизова. — Аввалига бир неча йил агитёзлик кредит маблағлар олиш ишлари бўйича ўқув семинарлар ташкил этилади, амалий ёрдам кўрсатилади. Кўрғазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида миллий хунарандчилик йўналишида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар ўзининг тўрт юз мингдан ортиқ маҳсулоти билан иштирок этмоқда.

Ўтган йили 35 гектарда ғалланинг «Крошқа» нави экиб, гектаридан 60 центнердан ҳосил олишга эришдик, — дейди Ш. Азизова. — Пахтадан ҳам режага

нисбатан кўп ҳосил олдик. Шунга яраша даромад ҳам яхши бўлди. Қўрилган фойда эвазига хўжалигимиз моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Деҳқон меҳнатининг самардорлигини оширишда техниканинг ўрни бекиёс. «Халқ банки»нинг Тошкент вилояти филиалдан кредит олиб, чопиқ ва ҳайвон трактори сотиб олдик. Ҳозир мавжуд техникамиз билан нафақат ўз юмушларимизни бажармоқдамиз, балки бошқа фермерларга ҳам кўмак бераётимиз.

Айни кунларда фермер хўжалиги аъзоларининг қўли-қўлига тегмайди. Хўжалик ерлари жорий йилда яна кенгайиб, 100 гектарга етди. Унинг эллик гектарида ғалла баравж ўсмокда. Ҳадемай қолган майдонларга чигит экиш бошланмоқда. Шунингдек, бу йил паррандачиликни йўлга қўйиш, қорамоллар бош сонини кўпайтириш мўлжалланган. Бундай тадбирлар янги иш ўринлари очиб имконини беради.

Эришилган бундай юксак натижалар инсонни янги ютуқлар сари қорлайди. Меҳнат қилиб, олдинга интилаётган ҳар бир инсоннинг ғайрат-шижоати давлатимиз раҳбари томонидан ҳар томонлама рағбатлантирилиши эса жамиятимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири.

ҲАР СЎЗИ ИБРАТ

Фасллар келинчаги баҳорнинг илк кунларида ноқуш бутун бориқ жонланмоқда. Баҳорни мунис онага, меҳрибон аёлга ўхшатгим келади, чунки аёл тимсолмада нафосат, гўзаллик, меҳр-муҳаббат мужассам.

Тошкент тумани агросаноат ва бизнес касб-хунар коллежида ҳам баркамол авлоднинг маънан етук, руҳан комил бўлиб етишиши, ҳаётда ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаши учун бор меҳрини бериб меҳнат қилаётган устозларимиз кўп. Р. Айткулова, М. Алматова, М. Даминова, Х. Жумабоева, В. Григорьева, Х. Искандарова, Г. Комилова, Д. Тулаганова, Ж. Кажабоева каби мураббийлар ёшларга таълим берибгина қолмай, уларга ҳаёт сабоқларини ҳам ўргатиб келишади.

Бизда устоз-шогирд анъанаси яхши йўлга қўйилган. Малакали ўқитувчилардан Ш. Ражабова ёшларга ўзлимизни англаш, тарихимизни чуқур ўрганишдан сабоқ берса, кекса устозларимиздан бири М. Жалилова ўқитувчиларга услубий томондан кўмак бермоқда.

Фидойиликни касб қилган, ҳам оиласи, ҳам жамият ишини сидқидилдан бажараётган мунис онахонлар, азиз опа-сингил ўқитувчиларимиз билан хонадонлар чарогон, жамоамиз тўқис, файзлидир.

Д. МУСТАФОЕВА,
коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари.



КЎНГИЛЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Ҳар қадамда эзгулик, бағрикенглик, меҳр-оқибат ришталарини боғлаб келувчи баҳорнинг илк шоҳиёнаси — Халқаро хотин-қизлар кўни байрами Тошкент туманида кўтаринки руҳда нишонланди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, туман ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари вакиллари, таниқли сўз усталари ва санъаткорлар иштирок этиб, ҳаётимиз безаги, умримиз мазмуни бўлган азиз аёлларга аталган дил сўзларини изҳор этилди.

СУРАТЛАРДА: байрамнинг ҳаяжонли лаҳзалари.



СЕНИМИ Ё БАҲОР?

Юзинг гулга ўхшаб кетади, Сени кўриб олам уйғонди,
Кўзинг нурга ўхшаб кетади, Сочин ўриб, сабо тўлғанди,
Сўзинг болга ўхшаб кетади, Қир-далалар гулга чулғанди,
Келган сенми ёки баҳорми? Гулшан сенми ёки баҳорми?

Суюгимни қақшатди аёз, Ўзинг гулсан, ўзинг капалак,
Қанотимни чарчатди парвоз, Гоҳи камон, гоҳи камалак,
Нигоҳимни яшнатди хуш соз, Юрагимни ёндирган малак —
Кулган сенми ёки баҳорми? Эркаман сенми ёки баҳорми?

Боғлар жилмаяди қиқирлаб, Сен жаннатдан адашиб тушган,
Найсон инжу сочди шитирлаб, Хурлиқосан, самандар қушсан.
Қулоғимга ишқдан шивирлаб, Равза бўлди сен қучган гулшан,
Елган сенми ёки баҳорми? Чаман сенми ёки баҳорми?
Нуруллоҳ ДОСТОН.



СУРАТДА: Назокат Даминова ҳаммаша шогирдлар эъзозидан.

Саҳифадаги суратларни Даврон АҲМАД олган.

ШОГИРДЛАР ДАВРАСИДА

Депутатлар — халқнинг бошқарув органларидаги ишончли вакиллари. Улар эл дардини тинглаб, манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасига эга. Тошкент тумани агросаноат ва бизнес касб-хунар коллежида бўлим мудир вазифасини бажараётган Назокат Даминова ҳам депутат деган номга муносиб аёллардан бири.

Халқ депутатлари Тошкент туман кенгаши депутати этиб сайланган Назокат ўқитувчилик касбини улуғлаб келмоқда. Депутат вифатида ҳам халқ меҳрини қозонишга улгурди.

Ҳамкасбларининг эътирофи этишича, Назокат Даминова аёллар ва ёшлар муаммоларини яхши тушунади. Деярли, ҳар ҳафтада сайловчилар билан учрашиб, уларни ўйлантираётган муаммоларини халқ қилиш йўлида қизгин иш олиб бораётган.

Саид АСҚАРОВ.

БЕКОБОД ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ

ЖАМОАСИ

табиатнинг буюк мўъжизаси бўлмиш
мўътабар аёлларимизни
баҳорнинг илк шукуҳли айёми

8 март — Халқаро
хотин-қизлар кун

билан қизгин муборакбод этади.

Она замин уйғониб, чор-атрофни
нафосатга буркаётган шу
файзли кунларда

Сизларга энг эзгу орзу-умидлар,
гўзал тилаклар ёр бўлсин!

Ҳар бир хонадонни тинчлик,
хотиржамлик, файз-барака,
қувонч-шодлик тарқ этмасин!

ШУНДАЙЛАР БОР БЎЛСИН

ЭЛ ДАРДИ ҚАРИТМАЙДИ

Умрлар бўлади, ҳаётда унлаб ҳеч бир из қолмайди. Аммо умрлар бўладики, узоқ вақт одамлар учун намуна ва ибрат бўлиб хизмат қилади, бошқалар ҳам шундай яшашни орзу қилишади...

Меҳнат фахрийси Тўлқин Миркомилони ана шундай ибратли умр эгаси, десак бўлмас. У меҳнат фаолиятини агрономликдан бошлаб, узоқ йиллар халқ орасида ишлади. Мустақилликнинг илк йилларида вилоят хосимлигида иш бошқаруви бўлиб хизмат қилди, кейинги ҳаётини эса, республика "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими фаолиятини ривожлантиришга бағишлади.

"Маҳалла" жамғармаси эндигина тузилиб, қад ростилаётган пайларда олиндида катта синов ва муаммолар турарди. Халқ билан ишлай оладиган, ҳар бир инсоннинг кўнгилга йўл топа билмайдиган кадрларни танлаш, мақсад янги ташкилотнинг уқасид ва вазифаларини рўйбўта чиқаришларига эришиш осон кечгани йўқ. Илк даврларда нафақат ташкилий масалалар, балки жамғарманинг моддий-

техник базасини яхшилаш ҳам долзарб муаммо эди. Туман ва шаҳарлардаги маҳаллаларнинг кўпи жамоатчилик асосида ишлар, ҳатто ишлар учун базиларининг мўқим идораси ҳам йўқ эди.

Тўлқин Миркомилоннинг катта тажрибаси, ҳаётий билимлари бу муаммоларни тез енгиб ўтишга ёрдам берди. Қисқа вақт ичида жамғарманинг туман ва шаҳар бўлинмалари ва ўзини ўзи бошқариш идоралари ўз иш хоналарига, компьютер ва бошқа маиший жиҳозларга эга бўлди. Энг муҳими, бўлим хосимлари ўзларининг асосий вазифалари — халқ дарди ва Ватан иши билан яшаш кераклигини англаб еттишди. Тўлқин Миркомилон маҳалла билан ишлашда, ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятини ривожлантиришда ёш мутахассисларга бош-қош бўлди, уларни устувор мақсадлар сари тўғри йўналти-

ра олди.

Унинг раҳбарлиги остида ишлаган, вақт ўтиб, ўзлари ҳам масъулиятли вазифаларга кўтаришган шогирдлари уни меҳрибон устоз, ўзининг барча жиҳатлари билан намуна бўла олган раҳбар сифатига қадрлашди. Ўз фаолиятларида устозлари каби одамлар меҳрини ва ишончини қозонишга интилишди.

Тўлқин Миркомилон ҳозир кексалик гаштини сурмоқда. Лекин ҳамоно ундан фикр сўрайдиганлар, у ёки бу масалада унинг маслаҳатини олишга ошқадиганлар кўп. "Ўтган кунлар" асарига ҳаммага ёд бўлиб кетган бир жумла бор: "Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетмаган". Ҳаёт — энг катта даргоҳ, Фарқи шуки, ундан ҳамма ҳам рози бўлавермаган. Аммо бугун Тўлқин Миркомилоннинг қувонч ҳечорасини, бардамлигини кўриб, унинг ҳаётда ҳамма мақсадларига эришган, умрининг ортда қолган йилларини рози инсон эканлигига амин бўласиз. Назаримда, инсоннинг чинакам бахту саодати шунда бўлса керак.

Абдулла БАЎСИЕВ.

«RIELT LINE» МЧЖ брокерлик идораси
РКМБ Тошкент вилояти филиалидан
«Jo'ra Po'lat chorva nasilchiligi»
кооперативига тегишли бўлган объект
(ферма бино-иншоотлари ва қора мол)ни
2010 йил 4 мартдан биржа электрон
савдоларига чиқарди.

Бошланғич нархи — 1 386 639 516 сўм.

Алоҳида шартлар: "Объект" беш савдо кунинда сотилмаган тақдирда бошланғич баҳосини босқичма-босқич пасайтириш механизминини қўллаган ҳолда бошланғич баҳо ҳар икки савдо сессиясида 5 фойдан пасайтириб, бунда "Объект"ларнинг бошланғич баҳоси 50 фойдан пасайиб кетмаслиги белгиланган.

Мурожаат учун тел.:

233-49-31, 233-28-52, 300-21-24.

ООО "GLOBAL INSURANCE GROUP" Яккасарайского района г. Ташкента (ИНН 206957112) сообщает об уменьшении уставного фонда с 1.175.477,52 Евро до 750.000 Евро.

Утеранный план квартиры по адресу: г. Ташкент Сергелийский район, массив Куйлюк-5, д. 4, кв. 9, выданный Сергелийским БТИ на имя Кадинова Ибрагима,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Ўзбекистон Республикаси

Фанлар академияси

генетика ва ўсимликлар

экспериментал биологияси

институтини МТЗ Беларусь

трактори, культиватор

жамламасини сотиб олади.

Бизнинг манзилимиз:

Тошкент вилояти, Қибрай

тумани, Юқори-Юз п/б.

Тел.: 264-22-30, 264-22-23.

Факс: 264-23-90.

"Республика Кўчас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибига ўтказилган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

1. Аукцион савдосига Тошкент тумани СИБ томонидан қўйиладиган автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

— Тошкент тумани "Кўк-терек Матлубот инвест" МЧЖ оморидида сақланаётган: 1. "ВАЗ-2101" русумли, д/р 11Х1466 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 03.12.2009й, №259/2009). Бошланғич баҳоси - 2 140 277 сўм. 2. "Уаз-31512" русумли, д/р 10У3655 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 09.02.2010й, №448). Бошланғич баҳоси - 1 087 318 сўм. 3. "Газ-24" русумли, д/р 10В7548 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 04.02.2010й, №464/2010). Бошланғич баҳоси - 974 210 сўм. 4. "Ваз-2102" русумли, д/р 10Л6508 бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 09.02.2010й, №492/2010). Бошланғич баҳоси - 651 311 сўм.

— Тошкент тумани "Шамсиддин Рахим Бизнес" МЧЖ оморидида сақланаётган: 5. "Газ-3102" русумли, д/р 10АР280 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 08.01.2010й, №113/2010). Бошланғич баҳоси - 5 632 793 сўм. 6. "Уаз-330301" русумли, д/р 11Е3391 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 22.01.2010й, №237/2010). Бошланғич баҳоси - 1 591 438 сўм. 7. "Газ-24" русумли, д/р 10В2999 бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 29.01.2010й, №236/2010). Бошланғич баҳоси - 1 060 416 сўм. 8. Тошкент тумани "Бурхон-Савдо" МЧЖ оморидида сақланаётган "УАЗ-469" русумли, д/р 11В5369 бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 05.02.2010й, №333/2010). Бошланғич баҳоси - 1 268 089 сўм.

ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ ШАРҲИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ГИГАНТ ГЭСлар ЛОЙИҲАЛАРИ МИЛЛИОНЛАБ ОДАМЛАР ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛАДИ

Марказий Осиё мамлакатларида йирик гидроэнергетика иншоотларини қуриш лойиҳалари, уларнинг шошма-шошарлик билан амалга оширилиши келтириб чиқарадиган оқибатлар бу масалага ҳолисона ёнашадиган барча соғлом фикрли кишиларни ҳақиқи равишда ташвишга солмоқда. Ўзбе-

Бугун ушбу фикрни дунёнинг турли мамлакатларида қўллаб мустақил экспертлар ҳам қўллаб-қувватламоқдалар. Масалан, МДХ мамлакатлари институтининг Бишкек филиали директори, тарих фанлари доктори, профессор, Рус география жамиятининг ҳақиқий аъзоси Александр Князев қаламига мансуб, қатор Интернет-нашрларда эълон қилинган "Ҳақиқат эмас, афсона: Ўрта Осиёдаги мега-ГЭС тақдирини номалумлигига қолмоқда" сарлавҳали мақолада ушбу муаммо бу борадаги ишларнинг ҳақиқий аҳоли нуктаи назаридан қурув ҳамда батафсил таҳлил қилинган.

Шуни қайд этиш керакки, мақолада баён этилган фикрлар муаллифининг таҳлилларга асосланган қарашини эмас, ва уни қимматдор манбаатларини ҳимоя қилаётганликда айбон бўлмайди.

Муаллиф ҳақиқи равишда Амударё ва Сирдарё Марказий Осиё давлатлари фаровонлигини ва уларни сув билан таъминлайдиган яхлит манба эканлини таъкидлайди. Шу билан бирга, олим Ўзбекистоннинг трансчегаравий Сирдарё ва Амударё сувидан фойдаланиш соҳасидаги манфаатлари ушбу дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан етарли даражада инобатга олинмаётганини қайд этган.

Тошкент ва Қирғизистон Республикалари томонидан гидроэнергетика иншоотлари қурилишининг амалга оширилиши биринчи навбатда, Ўзбекистон, шунингдек, Қозғоғистон ва Туркменистон хавфсизлигига катта таҳдид солаётгани ҳақида гапиришга мажбур эълмоқда", деб ёзади А. Князев.

Айни пайтда эксперт қуйидагиларга эътибор қаратади: "бу каби объектларни қуришни тартибга солидиган қатъий халқаро нормалар мавжуд бўлса-да, улар ушбу дарёлар юқори қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан инкор этилмоқда. Бироқ, Қирғизистон ҳам, Тожикистон ҳам ушбу соҳага оид бирон-бир халқаро конвенцияни имзоламаган. Бунда гап, масалан, Россия 1996 йилнинг октябридан буюн бахариб келаётган Трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўллари ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция (Хельсинки, 1992 йил 17 март), Кема юрмайдиган халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция (Нью-Йорк, 1997 йил 21 май) ва бошқа кўллаб ҳужжатлар ҳақида бормоқда. Аммо, ўз миллий манфаатларини ҳудудларча ҳимоя қилишдан бошқа нарсани тушунишни истамаятган ва ўз иқтисодий-ишқаршининг бирдан бир чораси сифатида ГЭС лойиҳаларига ёпишиб олган мажбур икки республика бу лойиҳаларни кўпроқ қарз олиш ҳамда ташқи инвесторлар ёрдамида тинимсиз кўз тиккан ҳолда, ярим қўлбола усулда амалга оширилиши ўжарлик билан талаб қилмоқда".

Олим ҳозир фаолият кўрсатган гидроэнергетика иншоотларининг хавфсиз ишлашини таъминлаш масаласи мутахассислар томонидан бир неча бор кўтарилганини қайд этади: "СССРдан Тожикистонга мерос бўлиб қолган Нурек ГЭСи, Қирғизистонга мерос бўлиб қолган Тўхтаул ГЭСи ва уларнинг сув омборларини тартибга солишининг ўзи долзарб масала эмасми? Хар икки ҳолатда ҳам, ушбу сув омборларига сувнинг кам тўпланиши, объектив сабаб-

костон бундай лойиҳаларнинг минтақадаги экология ва сув мувозанатига таъсири, шунингдек, техноген фалокатлар таҳдидларини келтириб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиб, уларни мустақил халқаро экспертгадан ўтказиш зарурлиги ҳусусидаги принципал масалани қатъий қўймоқда.

лардан ташқари, собиқ совет давридан буюн ҳеч қиммат станцияларда жиддий профилактика ишлари олиб бормгани, уларни модернизация қилиш билан жиддий шуғулланмаётгани, сув омборларини лойқа босиб қолиши йўл қўйиладиган барча меъёрлардан охиб кетаётгани билан боғлиқдир. Яқинда Нурек ГЭСида рўй берган авария катта талафотларга олиб келмаган бўлса-да, бу авария Тожикистон учун ҳам, Қирғизистон учун ҳам нихоятда жиддий хатар қўнғирогидир".

А. Князев ушбу муаммоларни назарда тутган ҳолда, шундай деб ёзади: "Шунинг учун ўзаро қилишиб ўш тўтмоқ лозим. Акс ҳолда, Ўзбекистоннинг Роғун ва Қамбарота ГЭСларининг ишини, агар улардан бирортаси қурилса ҳам, ҳатто ҳарбий йўл билан бўлса-да, тўхтатиб қўйишга ҳеч нарсаси монелик қила олмайди. Ўзбекистон раҳбарияти бундай ҳаракатлар билан нафақат ўзининг ўн миллионлаб аҳолисини, балки Қамбарота лойиҳалари таъсир доирасида жойлашган Қирғизистоннинг Фарғона водийсидаги уч вилояти (Уш, Жалолобод ва Боткен) ва Тожикистоннинг бир вилояти (Сўғд) аҳолисининг ҳам хавфсизлигини таъминласа, у хар томонлама ҳақ бўлиб чиқади".

"Сув микдори камайиб, тақчиллиги ортиб бораётган бир пайтда янги тўғонларни қуриш, жиддий ўрганиб чиқмасдан туриб улардан энергетика мақсадларида фойдаланиш сув баланси ҳамда барқарор ривожланиш борадида ўта салбий оқибатларни келтириб чиқариш ҳақида қатъий фикрга келиш мумкин", деб ёзади А. Князев.

Эксперт мамлакат манфаатларига ва аҳолиси хавфсизлигига риоя қилиш бўйича Ўзбекистон илгари сураётган талабларни мутлақо тўғри ва ҳақиқи, деб қўймоқда.

"Хар бир мамлакат албатта ўз миллий манфаатларини қўлайди, шу сабабли бу борадаги бирдан-бир тўғри йўл — томонларнинг муроасага келиши, бир-бирига ён беришидир. Ўзбекистоннинг бу борадаги позициясини дўқ-пўписи, деб қабул қилмаслик керак, балки унинг юзага келган ҳолатдан жиддий ташвишланмаётганини тўғри тушуниш лозим. Ўзбекистон раҳбарияти қайд этилган хар икки лойиҳада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳисобга олмасан экан, ҳам Тожикистон, ҳам Қирғизистонга қарши ҳозирданок энг қатъий чораларни қўллаш ҳақида ўйлашга мутлақо ҳақиқидир. Бунда тўғонларнинг қизқиконлик билан муҳокама этилаётган бандлиги, бошқа жиҳатлар билан эмас (бу масаланинг майда тафсилотларидир), балки уларнинг сифати, сув омборларининг йўл қўйишши мумкин бўлган ҳажмининг илмий асослангани, энг муҳими — ушбу иншоотларнинг мустаҳкамлик даражаси, хавфсизлик билан боғлиқ барча жиҳатла-

рига алоҳида эътибор қаратиш керак деганидир".

Муаллиф ўз мақоласида россиялик ҳамкасбларининг мазкур лойиҳалар борадида "асоссиз, энергетика ресурсларидан савдосизларча фойдаланиш, самарадорликнинг пастлиги, қўланилаётган технологиялар, малакали муҳандис ва ишчи кадрларнинг қолқоқлиги (йўқлиги)"ни эътироф этаётганини ҳам келтиради.

Ва нихоят, бундай йирик гидроэнергетика иншоотлари қурилиши ташаббускорларининг энг сўнгги асоси, яъни ушбу иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш натижада олинадиган катта иқтисодий фойда ҳақидаги таҳминлар олимлар томонидан шубҳа остига олинмоқда.

Муаллиф ушбу лойиҳаларнинг ўзини қоплаши ҳақидаги гапларни ҳолисона таҳлил қилар экан, "...гигант-лоийҳаларнинг иқтисодий максдаги мувофиқлиги ҳам жуда шубҳали", деб ёзади.

Бунда олим аҳолини электр энергияси билан таъминлаш учун Қирғизистонда ҳам, Тожикистонда ҳам кичик ГЭС тармоқларини қуриш самарали, иқтисодий жиҳатдан манфаатли ва хавфсиздир деган қатъий ҳулосага келади.

Муаллиф юқорида қайд этилган лойиҳаларнинг бўлажак ташқи иштирокчилари ҳақида гапирар экан, шундай деб огоҳлантиради: "Хитой томони бир неча йил муқаддам Тожикистонда Роғун ва Қамбаротага ўхшаш, аммо нисбатан кичик Зарафшон ГЭСи қурилиши бўйича лойиҳани минтақадаги етакчи мамлакат — Ўзбекистон билан келиб чиқиш мумкин бўлган мижоз ёмон оқибатларга олиб келишини аниқлаган ҳолда, тезлик билан тўхтатиб қўйганини эсга олиш керак. Яқинда Қирғизистоннинг гидроэнергетика лойиҳаларида иштирок этиш ҳақидаги тақлифлари ҳам Хитойда қўллаб-қувватланмади".

Шу муносабат билан А. Князев ҳақиқи равишда таъкидлайди: "табиийки, Россиянинг хориждаги гидроэнергетика бўйича фаолияти, Қирғизистон ва Тожикистондаги лойиҳаларда бўлгани каби, минтақавий зиддиятлар манбага айланмаслиги лозим ва бундай ҳолат ўзи бериши эҳтимолидан ҳоли эмас".

Чоп этилган мақоладаги ҳамма фикрларни ҳам тўғри, дейиш қийин, албатта. Олимнинг барча тақлиф ва ҳулосаларига ҳам, ҳусусан, сув-энергетика консорциумини ташкил этиш бўйича кўп мартабага муваффақиятсиз муҳокама этилаётган масала юзасидан билдирган фикрларига қўйишлов бўлмайди. Бироқ, А. Князевнинг муаммо жиддийлигини, Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатларида яшаётган миллионлаб одамлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган катта ҳақ борасидидаги ташвишини аниқлаб етгани нихоятда муҳимдир.

О. РАҲАБОВ,
Ўза шарҳловчиси.

"Ипотеч-банк" АТИБ Со- бир Раҳимов филиалига қарашли 10-сонли жамғарма касса муҳри йўқолган 3 нусхада ноборат бўлган серия: ИРБ-0402005 (форма-430) 0625980, 0625981, 0625982, 0625983, 0625984, 0625985, 0625986, 0625987, 0625988, 0625989, 0625990, 0625991, 0625992, 0625993, 0625994, 0625995, 0625996, 0625997, 0625998, 0625999, 0626000, 21 донга квитанция йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
214-рақамли Гувҳоннома. Муддати: 31.12.2010г.

Янгиёйил тиббиёт коллежи томонидан 1986 йилда Гаффарова Ирода Ризатовна номига берилган ИТ-1 № 171223 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Собир Раҳимов туманидаги 134-мактаб томонидан 2007-2008 ўқув йилида Акрамова Нигора Турдиқуллова номига берилган У № 3451545 рақамли 9-синфин битирганлиги ҳақидаги шохдотнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Утеранный свидетельство об окончании 9 классов за № В 205949, выданный в 1991 году школой № 100 Якасарайского района г. Ташкента на имя Диколова Анжели Диколовны.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.
Частное предприятие "КАТУША PLYUS BIZNES" (ИНН 300348222) Мираз Улугбековская района г. Ташкента преобразуется в ООО "КАТУША PLYUS BIZNES".

ҲАЁИ БЎЛСА КИМНИНГ ОНАСИ

Онажон, нега бундайлигини билмайман, бироқ ҳар сафар баҳор келиши билан сизни худам соғиниб кетганимни ҳис қиламан. Сизсиз баҳорлар ҳам ғарибдек туюлади. Сиз туғилган сана – 8 март тонгида эса муқаррар равишда тушимга кирасиз. Уттиз уч йилдирки, шундай...

Ҳар йили 8 март – туғилган кунингизда сизни йўқлаб "Се-вар ота" қабристонига бораман. Қабрингиз олдида тиз чўкиб, сизга етказмоқчи бўлган ҳасратларимни ҳам айтмай, гўёки жоним томоғимга тикилгандек, ҳолсизланиб қайтиб келаман.

Ҳа, сиз бизни эрта ташлаб кетдингиз. Билмадим, бизнинг гулдек хонадонимизга кўз тегдими ёки ёшлик шўхлиқларимиз билан сизни кўп қийнаб қўйдикми, нима бўлганда ҳам сиздан айрилиш ва бунга қўйиш қанчалар қийинлигини сўз билан тушунтириб беришга оҳизман, онажон.

Сиз оламдан кўз юмганингиздан сўнг отам бизларга ҳам ота, ҳам она бўлиб, ҳаммамизни ўқитди, ишга жойлаштирди, оилали қилди. Ҳозир ҳаммамиз бола-чақалик бўлиб кетганимиз, ҳеч кимдан кам бўлмай яшаб юрибдик, лекин ўринингизни ҳеч ким, ҳеч нима боса олмас экан, меҳрибоним.

Сиз бизларни очарчилик вақтларида қийналиб катта қилганингизни гапириб берганларингиз, айнакча, отам касал бўлиб қолганларида "Ўғлим, илоҳим ажанг тузалиб кетсин, агар уларга бир гап бўлса, ҳаммамиз боқувчисиз қоламиз", деб ёлвориб дардларига шифо сўраганларингиз шундоққина қулғоним остида ҳануз жаранглаб туради.

Онажон, яқинда Тошкентда "Ватанга қасам" ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди ва унинг очилишида Ўртабосиимиз шундай ибратли гаплар айтди-ларки, телевизор қаршидада ўтириб, беихтиёр кўзимга ёш

келди. Ёдгорлик манументидаги армия сафига жўнаб кетаётган ўғлига оқ фотиҳа бераётган она сизга жуда ҳам ўхшаб кетарди.

Эсингиздами, олис юртларга – армия сафига жўнаб кетган акаларимдан хат келиб қолса, почтачи хола конвертни очиб улгурмасдан йиғлай бошлардингиз, биз ҳаммамиз – жажжи ўғил-қизлар атрофингизда эгагингизни ушлаб

ТУЙГУ

олиб, чуғурлашардик. Бизларни шунчалар яхши кўрадингиз-а...

Айниқса, тандирда бизлар учун янги ёпилган қулча нонларни иссиқлигидан қўлимизга ушлаб олмаб, эшигимиз олдида оқиб ўтаётган бўлак сувига ботириб ёйишимиз қанчалар завқли эди. Ўша ширин болалик ва ўсимирлик давларини, сиз билан кечган қуларни ҳеч унутолмайман, онажон.

Баҳор келиши билан сизга эргашиб "Бог маҳалла", "Қизилжар" адирларидаги ўқариқлар атрофидан ялпизлар териб келардик. Сиз улардан кўк сомса, кўк чучваралар тайёрлаб, тол новдаларидан тўқилган човлида қозондан олиб, бизларга берардингиз. Сиз тайёрлаган тотли таомларни ёғоч қўшиқ билан ёйиш ўзгача бир гаштли эди.

Кечқурун ётганимизда ҳам эгагингизнинг бир учини маҳкам ушлаб ухлардим. Билсангиз, ўша чоғда ҳам сизсиз қандай яшаш мумкинлигини ўйлаб ётардим.

Катта тоғорада хамир қоргангизда уйимизнинг лойдан сувалган поллари гурсилларди, болалик чоғларим тикилиб ётиб билаларингиздаги қучга ҳавасим келарди. Шундай бақувват, ҳаммадан гўзал аёл қандай қилиб бир этак ёш болаларини

ташлаб, 55 ёшида ўтиб кетиши мумкин, деб сиқиламан.

Сиз ёқтирган қўшиқларни юрагим жўшиб, завқланиб қўлардим. Далаларда, тоғу тошларда бир неча соатлаб тинмасдан қўшиқ айтиб чарчамасдим, бу дунёда мендан бахтли, хушчақчақ бола йўқ эди, гўё.

Болажонларимнинг орасида нимжонгинаси деб, ўзига алоҳида овқатлар пишириб, едириб, авайлаб-асрайдиган ўғлингиз ҳозир ҳаммамизнинг кўзимизни қувонтириб катта лавозимда ишлади, обрў-эътиборли бўлиб кетган. У ҳозир кўплаб невараларнинг бобоси.

Оқ фотиҳангиз билан ўзим орзу қилган олий ўқув юртига биринчилардан бўлиб қабул қилиндим ва сиз ҳавас қилган ишларда ишлаб юрибман. Лекин минг афсуски, шуларни сиз кўрмадингиз.

Яратганга шукр, биз ака-укалар, опа-сингиллар – ҳаммамиз ахил, оила аъзоларимиз билан тинч-тотув яшаб юрибмиз. Бирор-бир туй-томоша қилгудек бўлса, ҳаммамиз биргаликда бир пасда каму қўстларимизни тўлдирармиз. Яқинда дунёга келган киз эварагингизни ҳаммамиз "онам" деб чақираймиз. Ҳозир сизнинг 70 нафардан ортиқ нева-эвараларингиз бор.

Атрофга назар ташласам, ҳамма нарса муҳайё, саранжом-сарашта, кам-кўстим йўқдек. Лекин барибир кўнглим ярим. Бу – фақат сизнинг йўқлигингиз, барчамизнинг бошимизни қўшиб, ортимиздан дуо бериб турадиган оналик меҳрининг йўқлигидан.

Онаси борларга қанчалик ҳавас қилишимни билсангиз эди. Бир қўшиқда қўйлангани-ку, дўпписини отсин осмонга, ҳаёт бўлса кимнинг онаси, деб...

Начора, сиз йўқсиз, фақат нури хотиралингиз бор, ҳолос. Илоҳим, руҳингиз шод бўлсин, онажон.

Акмал ИНОНБОЕВ.



ШУКРОНА

Пискент тумани «Бекобод» маҳалласида умргузаронлик қилаётган Мухтарам ая Абдуазимова 75 баҳорни қаршиламоқда. Аяни қутлаш учун ўғил-қизлари, нева-эваралари жамулжам бўлишган.

— Шу кунларга етказганига шукр, — дейди момо дуога қўл очиб. — Истиқлол шарофати билан ҳаммаёқ янада чирой очиб бормоқда. Невараларимнинг кўзидаги қувонч, уларга яратиб берилаётган имкониятларни, қўлайликларни кўриб, яна ёшлик давримга қайтгим келади. Илоҳим, юртимиз тинч, фаровон, осмонимиз мусофҳо бўлсин.

Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.
СУРАТДА: момо набиралари даврасида.

Даврон АХМАД олган сурат.

Машинани гизиллатиб кетаётсам, чурчлатиб тўхтатишди. Айбимиз ўзимиз билан — тез юрдик: икки букииб назоратчи томон бордим. Назоратчи қўёни ушлаб олган бурдайд завқланиб, ҳужжатларини қўздан кечиршини бошлади. Бирдан:

— Ие, Полвоновларданми-сиз? — деди жиймайиб.

— Ҳа, Полвоновимиз, — жавоб қилдим илжайиб.

— Кечирасиз, — деб назоратчи ҳужжатларини қўлимга тутқазиб, оқ йўл тилади.

Оғзим очилганча қанча турдим, билмадим. Э, ҳужжатларини бичиричи марта ялғиз-ёлғорлиқсиз, ошна-оғайинини ўртага соймай, жарима тўламай қайтариб олишимда! Машинам томон кетяйману, севинчдан гандирақлайман.

— Ака! — деб назоратчи орқадан қақирганиди, ўқ теккандай қалқиб тушдим. — Полвонов акамларнинг укалари бўласизми ёки акаларини?

— Опаларини! — деб юборибман ҳа-жонда.

— У-у-у! Аскияни ҳам қотираркансиз, яшанг, биру но! — деди назоратчи қулиб.

Йўлда кетяйман-у, назоратчининг устидан куламан: "Ақма бўлмай кет, мени бироваг ўхшатди!"

Дам ўтмай битта савод қалани пармалаб қолди: "Полвонов деганлари ким бўлиб экан?"

Уйлаб кўрсам, туманимизга янги келган ҳокимнинг фамилияси ҳам Полвонов экан! Мия дарров ишлаб кетди: "Бундан фойдаланиш керак!"

Пул кетса кетсин, деб уст-бошларни жа пўрим қилиб юбордим. Полвоновларданми-да! Йўлда бўйимни қисиб юрардим, гавдамин қўйвордим. Ўнча-мунча отни ҳурқитадиган саватим бор экан-ёй! Тўхтатишса ҳам:

— Ҳўшманлар, йигитлар, ҳорманглар! — дейман осмондан.

— Саломат бўлинг! — жавоб қилишди кўплашиб.

— Яшанглар! — дейман мағрур бош қимирлатиб. — Бўшашманглар!

Мабодо бирортаси юрак ютиб, ҳужжат сураб қолса:

— Ие! — дейман ажабланган бўлиб. — Полвоновлардан ҳам

ҳужжат сўрайдиганлар бор экан-да! Майли, майли, "ўсадиган" йигитга ўхшасиз, мана, кўринг, Полвоновнинг ҳужжатини! — чўнтакка қўлимни тикаман.

Назоратчининг қўли кўксига бориб ёпишиб қолди:

— Уэр, акажон, уэр! Танимабман, кечирасиз, жон ака! Оқ йўл!

Хуллас, ишларим анча юришиб қолди. Ҳатто дуқоналарда, омборларда савлатимни тез-тез намойиш қилаётган одат чиқардим. Барака топқулар, қуруқ қайтаримайди. Чўнтак қавла-

турмушга чиқаётганларида, таранг қилиб, фамилиямизга ўтма-ганди-да.

Қуларим бири-биридан тўқин, мазмунли эртаёттанди. Аммо бир кун эртаётган тўрам, хотин йўқ!

— Парпиевал! Ҳов, ўртоқ Парпиевал! — бақирдим ётган уримда.

— Нима дейсиз, ўртоқ Полвонов! — дея хотин газета билан ўзини елиганча даргазаб кириб келди.

— Оғзингизга қараб гапиринг, ўртоқ Парпиевал! Ким

Азоддан бўён жавраб ётибди. Газета ҳазиллашадими?! — хотин қўлидаги газетани мен томон отиб, зарда билан чиқиб кетди.

Гурс этиб қаравотта ўтириб қолдим. Газетани ўқийману, ҳеч нарсатга тушунмайдим. Ҳарфлар сакраб, сўзалар қамқоқхонанинг панжараси бўлиб қўрнаверди.

— Ҳаляим пишлаб ўтириб-сизми? — хотин бобиллаб яна кириб келди.

— Хо-хо-хотинбой, — дедим аранг, — бу Полвоновнинг уринга кимни қўйишди?

— Чайнамасдан буладиган гапни гапиринг, ўртоқ Полвонов!

— Шу... Полвоновнинг баҳридан утаск.

— Ие, қандай қилиб? — келиннингиз ажабланди.

— Мениям фамилиянгизга ўтказиб олсангиз.

— Вой, ўйлаб гапираяписми? — хотин қийриб қолди.

— Эр хотиннинг фамилиясига ўтса, минатюра бўлади-но!

— Замон нотинг. Полвоновларнинг иши прокурорда эканлигини хабарингиз бор. Уларга қўшиб менам қамалиб кетсам...

— деб қўлимни ёшлаб юбордим. Тўқилган кўз-ёшлар ҳеч қачон бенз кетмас экан. Келиннингиз янги паспорт билан келган кунни уйимизда байрам бўлиб кетди.

Ўртоқ Парпиева ҳазиллашиб:

— Полвонов ўгли Кимсанбой, ўзингизни Парпиевой қизи Сарвинисига танмаҳрамликка бағишладингизми? — десаям хафа бўмадим.

Ишларимнинг олға юриб кетганини айтти. Қўчаларда яна савлат тўкиб юрадиган бўлидим. Рузгор ишларингиз бўлишиб бажарамиз. Ош есак ўртада сарсон илик:

— Олинг, ўртоқ Парпиевал! — Ўзингиз олинг, ўртоқ Парпиевал!

Аммо илик ўртада унча узоқ сарсон бўлмади. Парпиевини ҳокимликдан олишиб, Гисёв деганини қўйишди. Пул кетса кетсин, деб Гисёвга айландик.

Гисёв ким қўшга бормади. Охунов дегани келди. Ялғиз-ёлғорлиқсиз фамилияни Охунов қилволандик, унинг ишдан олиб ташлашди. Кейин... Э, қанчаси келиб, қанчаси кетмади. Нечтасини қоралаб, нечтасини оқлаб юборишди... Энг ёмони, биринчи ойдан буюн ҳокимнинг ўрини бўш. Қаллам гаранг: кимнинг фамилиясига ўтсам экан? Асл фамилиямга қайтай десам, отамнинг отини чақалтириб юборяйман: Мавлоновиди, Полвоновиди?

Фарзандларимнинг гувоҳнома-ларига қараб билволай десам, улар ҳам одамнинг бошини қотирдиган: Полвонов Акмал, Парпиева Нигора, Гисёва Ҳамид...

Савд АНВАР.

Юқоричирчиқ туманида қизлар ўртасида стол тенниси бўйича ўтказилаётган "Қамолот маликаси" мусобақасининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда шахар ва туман босқичларида ғолибикни қўлга киритган 80 нафардан зиёд спортчи қиз иштирок этди.

«ҚАМОЛОТ» МАЛИКАЛАРИ

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳна-молигида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, улар ўртасида спортни оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хотин-қизлар иштирокида ўтаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилаётир.

Бир неча йилдан бери аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Қамолот маликаси" мусобақалари қизларни спортга кенг жалб этиш, ёш, истеъдодли спортчиларни аниқлаш ва рағбатлантиришда муҳим ўрин тутди.

Қизгин ва мурасасиз кечган баҳсларда ангрелик Василина Музаффарова, Зоя Ким, юқоричирчиқлик Мархабо Аъзамова, Гуланда Шабиллова ғолиб чиқиб, мусобақанинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Л. СУВОНОВ,
Уза А. СУВОНОВ.

САБОҚ

УЧ ДОНА ГУЛ ҚАДРИ

Аёллар табиатида хос жиҳатлардан бири — улар совға олишни жуда ёқти-радилар. Байрам ёки туғилган кунда совға олган аёлнинг чехраси гул-гул очилиб кетишига кўп марта гувоҳ бўлганмиз.

Ҳар йили 8 мартда Дилфуза бир воқеани афсус билан эслади. Орадан йиллар ўтиб, сочларига қиров қўниб, бир неча набиралик бўлса ҳамки, ўша гўрлигини ҳеч унута олмади...

Янги участкага кўчишган эди. Рўзгор-га ҳали у, ҳали бу керак. Қўрилиши битмаган уйнинг кам-кўсти, бунинг устига икки ёш боланинг бири олиб, бири қўйиб тез-тез касал бўлиб қоли-ши... Эри Нуриланнинг тоғани у ой-дан бу ойга ўчма-ўч етади. Шундай бўлса-да, Дилфуза бирон марта турмушдан нолимаган, эридан шикоят қилмаган эди. Аммо, 8 март байрами-да эри унга қандайдир совға келтири-шини жуда-жуда истади. Шу кун унинг келишини интиқлик билан кута бошла-ди. Дастурхонни дид билан беади.

Тансиқ таом тайёрлаб, янги кийимла-рини кийди. Ўзига оро бериб, бола-ларини ҳам байрамона кийинтирди. Ўғил-часининг "дадам келяптила", деган шод-дон овозини эшитган Дилфуза овқат сузишга тутинди. Ўйлабда кичкинтой Музаффарни кўтариб олган Нурилла "Сен ўғил боласан-ку, буни ойижонинг-га берамиз. Чунки бугун аёллар бай-рами", деб ўғлига гапириб келаётган-ини эшитган бўлса ҳам улар томонга атайин қарамади, ўзини овқат сузиш билан оворадек тутди.

Ахир Нурилла "Онажониси, байра-мингиз билан!" деганида ортига ўги-рилиб қаради. Дилфуза қандай совға кутганини ўзи ҳам билмади, аммо эри-нинг қўлида уч дона чиннигулни кўрган-да чехраси бирдан ўзгариб, қовқоқли-солдинди. Овқатни зарда билан қўйиб: — Менга олиб келган совғангиз шуми? — деди. — Ўртоғингиз гулчи-да. Ўшандан олгансиз. Ўтган байрамда ҳам текин бўлгани учун шунақа гул олиб келган эдингиз. Бугун яна...

Дилфуза йиғлаб юборди. Эрининг қўлидаги гулни столга отиб, бошқа хонага қўйиб кетди.

Ҳаётнинг қўттилмаган синовлари кўп экан. Ўшанда Нурилла хотинига сўнгги марта совға олиб келаётганини бил-маган, Дилфуза ҳам эрининг бир неча ойдан кейин автохалокат туфайли ҳаёт-дан кўз юмишини ҳаёлига келтирма-ганди.

Шундан бери қанча йиллар ўтди. Дилфузанинг ўғил-қизлари катта бўлди. Фарзандлари, набиралари ва яқинла-ридан қанчадан-қанча совғалар олди. Аммо қўчоқ-қўчоқ совға-саломлар бир маҳаллар эри унга тутган уч дона гул — самимий эътибор ўрнини боса ол-майди ҳамон.

Аллома АЗИЗОВА.

ЭР ХОТИННИНГ ФАМИЛИЯСИГА ЎТСА...



сам, астойдил хафа ҳам бўлиб қўйишди. Етти йилдан буюн битмай ётган уйларимни уч ҳафта битказишгани, шалоги чиқ-қан "Москвич" имни "Нексия"га амаштириб "огагини"ни гапир-сам, ишонмасиз. Аммо хоти-нини олдида обрўим терак бўйли ўсгани руст. Ўтказгани жой то-полмай қолди:

— Вой, дадажониси, чарча-май келдингизми? Атлас қўрпа-чагамас, баҳмалига ўтиринг. Уринмай, ёстиққа ёнбошланг, пайпогитингизни ўзим ечиб қўяман.

— Яшанг, ўртоқ Парпиевал!

— дейман хотиннинг қитиқ па-тига тегиб. Чунки у киши бизга

билан гаплашаётганингизни би-ласизми узи? — деб жон ҳолат-да ўринимдан туриб кетдим.

— Биламан, — хотин лабини буриб жавоб қилди. — Оғзингиз ҳам қараб гапираяйман, ўртоқ Полвонов! Полвоновларнинг кунни битди, билсангиз. Кеча кеч-қурун шошиланч йиғилиш қақи-ришиб, Полвоновни ишдан оли-шибди. Ҳамаёқни расво қилиб юборишган экан, Полвоновлар устидан прокурор иш ҳам қўзаб-ди. Ҳамамаарингиз қамашар-миш, ўртоқ Полвонов!

— Ҳаз-ҳаз-ҳазиллашадими? — де-дим гандирақлаб.

— Радио ҳазиллашадими?

— Парпиевини! — жавоб қилди хотиним қўлларини бели-га қўйиб.

— А? Ростданми?

— Ҳа, ростдан, ўртоқ Пол-вонов! — хотин мингиди ку-либ, оромқурсига ўтирди. — Полвоновларнинг кунни битиб, Парпиеваларга кун тутди. Ту-ринг, жойларингизни йиғишти-ринг, нонушта тайёрланг, бошим оғриятти!

Уй ишларига ҳам анча ўқувим бор экан. Зумда жойларимни йиғиштириб, хоналарни саран-жом-сарашта қилдим. Аччиққи-на мастава билан Парпиеванинг, йўте, келиннингизнинг кўнглини ҳам олдим.

— Рузгор тутишингиз чакки эмас, ўртоқ Полвонов! — деди-лар Пар... келиннингиз. — Яхши! Бу ёғини ёлғайверасиз. Мен бир дутоналаримдан хабар олиб ке-лай!

Бутун рузгор ишлари ўзимга қолди. Аммо нолайман. Ўртоқ Парпиеванинг топши-тутиши ме-никдан қолишмайди. Фақат... Фақат... Бир кун қайфиятлари яхшиланиб кўнглимдагини айт-дим:

— Шу... Шу... Сиздан бир нарсани итмос қилмоқчи эдим.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзилми: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Набатчи муҳаррир
Жўра САБДУЛЛАЕВ
Набатчи
Ирода НОРБОВЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУҲҲАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-240.

Адади 12045.

Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар — тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.50. 2 3 4 5